O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 19-yanvar • Seshanba • 8 (30.128) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ!

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 22-мактабда ўқувчиларнинг замон талаблари асосида билим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Мактабдаги ахборот-ресурс маркази, компьютер ва лингафон хоналари, спорт зали доимо ўқувчилар билан гавжум. Шунингдек, бу ерда ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида шоҳмот, шашка, қўл тўпи каби спорт турлари билан шуғулланишлари учун ҳам имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, ўқувчилар бичиш-тикиш, зардўзлик, бисер каби тўгаракларда қатнашиб, ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар билан турли танловларда ғолиб бўлмоқдалар.



Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган сурат.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 январь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф ўзаро муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтариш учун муҳим принципиал аҳамиятга молик икки томонлама, айни пайтда кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Игорь Шувалов самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, ўзаро муносабатлар ривожланиб бораётгани ва икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент қуйи палатасининг биринчи мажлисини 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 22 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига келган депутатлар 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси



ТАНИШИНГ: Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар

2009 йил 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов ва 2010 йил 10 январь кунги такрорий овоз бериш якунларига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 32 нафар депутат сайланди. Улар турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган, катта ҳаётий тажрибага, билим ва салоҳиятга эга бўлган партиямиз фаолларидир.

2-бет

Сайлов сабоқлари

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТДА

хотиржамлик, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди

Сайлов ҳар бир сиёсий партия учун муҳим синов бўлди.

Нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига балки маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлган сайловлар ҳам кескин курашлар остида ўтди. Шу ўринда бир ҳақиқат яна такрор ўзини намоён этди. Қайси туман ва шаҳар, вилоят партия Кенгашлари фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлса, айнан ўша ҳудудларда сайловда муваффақиятли иштирок этдик.

Масалан, ЎзХДП Ёзёвон, Фарғона, Олтиариқ туман кенгашлари эришган натижалар кишини қувонтиради. Ёзёвон туман партия кенгаши сайловларда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига ўттиз нафар номзод кўрсатган эди. Уларнинг йигирма нафари халқ ишончига сазовор бўлди. Ёки туман Кенгаши депутатларининг 66,4 фоизини ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ташкил этди. Фарғона туманида эса бу кўрсаткич 60 фоиз, яъни ўн саккиз депутат партиямиз вакилидир. Олтиариқ туманида 18 депутат ёки 40 фоизли квота ЎзХДПга тааллуқли.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

Жамият тараққиёти ва келажаги

бугунги ёш авлод камолотига боғлиқ

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида шу мавзуга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, партия кенгашлари раислари ҳамда фаоллари иштирок этди.

— Жорий йилда олдимизда муҳим вазифалар турибди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева. — Баркамол авлод йили минтақавий дастурини тузиш вилоятимизда ниҳоясига етаяпти. Вилоят партия кенгаши ҳам бу борада бир қатор муҳим вазифаларни белгилаган. Бунда асосий эътибор дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш борасида амалга ошириладиган масалаларга қаратилган. Мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, оила ҳамда маҳалланинг ўзаро алоқасининг янада мустаҳкамланиши, бунда албатта юксак самара беради, деб ҳисоблайман. Биз бу борада ҳам ўз ташаббусларимизни илгари суришимиз керак.

2-бет

ЕР ОСТИ СИЛКИНИШЛАРИ 3

СУРХОНДАРЁДА БОДОМ ГУЛЛАДИ 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар билан танишинг!

Матякубова Назира Тохтабаевна
4-Амударё сайлов округи

Каримова Хапизахон Қўлдашевна
9-Андижон сайлов округи

Тиллабоев Алишер Абдусаматович
18-Избоскан сайлов округи

Хожибеков Улуғбек Лутфиллаевич
19-Хартум сайлов округи

Рахимов Абдуманноб Кузиевич
20-Чинобод сайлов округи

Очилов Камил Рахимович
27-Жилвон сайлов округи

Ахмедов Ахад Амириддинович
35-Қизилтепа сайлов округи

Мансуров Зиёвиддин
44-Тўрақўрғон сайлов округи

Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович
46-Учқўрғон сайлов округи

Холиқова Дильбар Маликжоновна
47-Чортоқ сайлов округи

Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович
49-Янгиқўрғон сайлов округи

Раджабов Фахритдин Зайниевич
50-Регистон сайлов округи

Вафаев Улугбек Назарович
52-Булунғур сайлов округи

Юсупов Абдиқаҳор Назарович
53-Иштихон сайлов округи

Азизов Искандар
55-Қорадарё сайлов округи

Усманов Мажитхон
57-Оқдарё сайлов округи



Зокиров Улуғбек Хуррамович
73-Шўрчи сайлов округи

Байқулов Анвар Абдуғаппарович
74-Денов сайлов округи

Садиқов Алишер Мирзалиевич
76-Узун сайлов округи

Юнусова Алия Туйгуновна
77-Ангрен сайлов округи

Турсунбаев Шухрат Мирайимович
83-Паркент сайлов округи

Гулямов Латиф Якубович
86-Чирчиқ сайлов округи



Ахмедов Сайдивали Абдувалиевич
89-Дўстобод сайлов округи



Қўлдашев Жўрақўзи Юсупович
92-Яйпан сайлов округи

Ибрагимов Каххор Маматаджиевич
96-Олтиариқ сайлов округи

Сайфитдинова Мастурахон
102-Қува сайлов округи

Рузметов Хайрулло Ибадуллаевич
111-Шовот сайлов округи

Эрназарова Гулноза Хамраевна
116-Косон сайлов округи

Рахматов Саттор Неъматович
119-Чирокчи сайлов округи

Сафаева Машкура
120-Шахрисабз сайлов округи

Карамова Комила Зайдуллаевна
123-Насаф сайлов округи

ЎзХДП фаолияти «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қоидаларига асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида **жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилишга** йўналтирилган.



Жумаев Нодир Хосиятович
130-Бодомзор сайлов округи

Сиёсий фаолиятда

хотиржамлик, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ёзёвон тумани Фарғона вилоятининг табиий шароити оғир, ерларининг аксарияти Марказий Фарғона чўлида жойлашгани учун камсув ва камҳосил, саноати қўшнилари даражасида ривожланиб улгармаган, инфратузилмада ҳали кўплаб ишларни амалга оширишни тақозо этадиган ўзига хос минтақаси. Бу ерда 1200 нафар ЎзХДП аъзоси бор.

— Сайлов натижаларини халқимизнинг фақат номзодларга эмас, балки ЎзХДП туман кенгашининг фаолиятига ҳам бўлган ишончи, берган баҳоси деб қабул қилдик, — дейди туман партия кенгаши раиси Сожидахон Абдусаматова. — Туман Сайлов комиссияси депутатлар рўйхатини эълон қилган куниёқ биз дастлабки йиғилишимизни ўтказдик. Очиғи, унга илгаридан ҳозирлик кўргандик. Депутатлик гуруҳи раҳбарини тайинладик, иш режаларини тасдиқладик. Ҳар бир туман Кенгашининг депутатига ўзи сайланган ҳудуддаги БПТ билан биргаликда иш олиб бориши келишиб олинди. Январнинг иккинчи ўн кунлигидаёқ сайловчилар билан амалий учрашувларни ўтказиб, депутатлик фаолиятига доир масалаларни муҳокама қилишга қарор қилинди. Туман кенгашининг дастлабки сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳининг «Келгуси беш йилликда Ёзёвон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги дастурий материаллари тарқатилади. Унда биз номзодларнинг сайловолди учрашувларида аҳоли ўртага ташлаган кўплаб масалалар ечими ҳақида ўз таклифларимизни айтганмиз.

Биринчидан, аввалги чақириқ Халқ депутатлари Ёзёвон туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи жуда фаол ишлади. Сайловчилари билан мулоқот қилиш, жойлардаги муаммоларга тезкор муносабатда бўлиш, масала ечимини топишга интилиш, зарур пайтда уни халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритиш одатий ҳолга айланганди.

Иккинчидан, ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига аҳолининг мурожаати сони кундан-кун ортиб борди. 2009 йилда Жамоатчилик қабулхонасига 112 та мурожаат рўйхатга олинган бўлса, унинг 87,5 фоизи ёки 98 таси ижобий ҳал этилди. Бу партия обрўсини оширди, унга ишончни мустаҳкамлади, партияни қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайишига олиб келди.

Фарғона, Олтиариқ туманларида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз. Афсуски, Қувасой, Тошлоқ туманлари, Қўқон шаҳрида ўтказилган сайловларда кутилган натижаларга эришилмади.

Сайловдан илгари бўлиб ўтган анжуманда ушбу туман ва шаҳар партия кенгашларининг раҳбарлари бўлажак сайловларда депутатлик ўринларининг аксарият қисми бизники бўлади, деган эди. Сайловлар ўтиб, ғалвир сувдан кўтарилгач, натижа бошқача бўлиб чиқди. Туман, шаҳар кенгашларининг 30 та депутатлик ўрнига ЎзХДПдан кўрсатилган номзодларнинг Қувасойда атиги 7 таси, Қўқонда 8 таси, Тошлоқда 9 таси сайланди, холос. Ёки вилоят кенгашига депутатлик мандатининг бор-йўғи 11 таси Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларига тегди. Ҳолбуки, 2004 йилда бўлиб ўтган сайлов натижасида вилоят Кенгашининг 60 нафар депутатидан 23 нафари ЎзХДП аъзоларидан иборат бўлган эди.

Сафларимизда партия аъзолари сони кўплиги учун хотиржамликка берилдикми? Ҳар ҳолда, ЎзХДП Қувасой, Қўқон шаҳар, Тошлоқ туман ҳамда Фарғона вилоят кенгаши 2004 йилдаги мавқеини бой бериб қўйди. Фалончилар сайловда ғалаба қозонишига ишонамиз, деб депутатликка номзод танлаган кенгаш раислари бугун сукут сақлаб қолишди.

Бунинг сабаби нима? Бизнингча, партиявий фаолиятдаги изчилликнинг етишмаслигида. Масалага юзаки қарашда.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора чуқурлашиб, маҳаллий Кенгаш депутатининг нуфузи ва масъулияти ҳам юксалиб бормоқда. Жойлардаги ҳақиқий аҳвол, ютуқ ва муаммолар, биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга, аввало, маҳаллий Кенгашлар депутатлари дуч келадилар. Масала ва муаммолар улар орқали парламент юқори палатаси даражасига кўтарилиши мумкин. Бежизга қонунларимизда Олий Мажлис Сенати аъзоларини маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайлаш белгилаб қўйилмаган. Демак, биз ғоявий мақсадларни амалга ошириш йўлида партиявий дастуримизда айтилганидек, маҳаллий кенгашлар депутатлари кучига суянмоғимиз лозим.

Бўлиб ўтган сайлов натижалари эса чуқур таҳлил ва аниқ хулосаларни талаб этади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамият тараққиёти ва келажаги

бугунги ёш авлод камолотига боғлиқ

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

У, шунингдек, партиянинг «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг вилоятдаги бўлимлари фаолияти қониқарли эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Ғиждувон, Бухоро, Ромитан, Жондор туманларида бу борада сусткашлик кўзга ташланмоқда. Баркамол авлод йили эса ҳар бир ёш, хотин-қиздан ташаббускорлик, аниқ ҳаётий позицияни талаб этади. Депутатлар ҳам ҳақиқий жонкуярлик, дадиллик, ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараш каби хислатларни намоён этиши зарур.

— Ушбу йилнинг Баркамол авлод йили деб номланишини Юртбошимизнинг ёшларга бўлган чексиз ғамхўрлиги ва эътиборининг яна бир ифодаси деб биламан, — деди Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ғиждувондаги академик лицейи директори, вилоят Кенгаши депутати Зебо Абдуллаева. — Зеро, Ватан равнақи, жамият тараққиёти ҳар жиҳатдан униб-ўсиб келаётган ёшлар камолотига боғлиқ. Уларни фидойи, юксак тафаккурли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш эса асосий вазифаларимиздандир.

Давра суҳбатида иштирок этган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори, вилоят Кенгаши депутати Шамсиддин Сайдаҳмедов, ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси Толиб Авезов ва бошқалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар якунлари ва олдинда турган вазифалар ҳақида фикр билдирдилар.

Давра суҳбати якунида партия ташкилотларининг Баркамол авлод йилидаги вазифалари белгилаб олинди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Табиий офат

Ер ости силкинишлари

Гаити пойтахти Порт-о-Пренсни вайронага айлантирди

Алимқул СУЛТОНОВ шарҳи

Табиатнинг мудҳиш офатлари кўп: сув тошқинлари дейсизми, қор бўронлари-ю кучли циклон «юришлари» дейсизми, ёнғин ёки кўчкиларми, бариси инсониятга фақат кулфат келтиради. Улар ичида зилзила энг вайронкори ҳисобланади. Гаити ороли фуқаролари 12 январь куни айнан шу вайронкор кучга дуч келдилар ва унинг оқибати ўта ҳалокатли тус олди.

Ўша куни дастлаб 7,0 магнитудага тенг ор ости силкиниши юз берди, сўнг зилзила яна такрорланди. Бу гал унинг кучи 5,9 магнитудага етди. Шу икки ер ости силкинишининг ўзи Гаити пойтахти Порт-о-Пренсни айтиш мумкинки, бутунлай вайронага айлантирди. «Бу жуда қайғули. Кўплаб одамлар нобуд бўлди, ундан-да кўпи зилзила оқибатларидан азоб чекмоқда. Мамлакат муаммолар гирдобида қолди. Буни кўзинг билан кўриб туриш ўта оғир» деди Гаити Республикаси президенти Рене Гарсиа Преваль журналистларга берган интервьюсида.

Дарҳақиқат, турар-жой уйлари, мактаблар, шифохоналар, корхона-ташкилотлару турли идоралар ва муассасалар, ҳатто парламент ва БМТ миссиясининг биноси, президент саройи зилзилага дош беролмай қулаб тушди. Айрим маълумотларда Порт-о-Пренсдаги уй ва иншоотларнинг 50 фоизи бутунлай яроқсиз ҳолга келганлиги айтилаётган бўлса, баъзи маълумотларда 70 фоиз бинолар бузилганлиги таъкидланмоқда. Электр энергия, ичимлик сув, газ узатиш тармоқлари, умуман, инфраструктура тизими бутунлай ишдан чиққан.

Мамлакат ички ишлар вазири Поль Антуан Бьен Аименинг журналистларга маълум қилишича, ушбу табиий офат натижасида қурбон бўлганлар сони ваҳимали кўрсаткичга бориб қолиши эҳтимолдан холи эмас. «Шу кунгача вайроналар остидан 50 мингдан ортиқ жасад йиғиб олинди. Уларнинг сони 100 мингдан 200 минггача етиши мумкин. Лекин буни ҳозирча ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди» деди у «Reuters» АА мухбирига берган интервьюсида.

Ачинарлиси шуки, жасадлар шахсини аниқлаш у ёқда турсин, ҳатто уларни кўмишга улгуриб бўлмаяпти. Шу боис айни кунгача бульдозер ва бошқа техника ёрдамида 40 минг нафар жасад кўмилган. Кўчалар эса жасадларга тўлиб кетган. Нам ва иссиқ ҳаво барчани ташвишга солмоқда. Негаки, бу аҳвол мамлакатда санитария-эпидемиология ҳолатининг кескин ёмонлашувига олиб келади. Ўзи шундоқ ҳам ўлкада ҳозир тоза ичимлик суви етишмаслиги боис юқумли ичак касалликлари кенг тарқалиш хавфи мавжуд.

Мутахассисларнинг айтишича, айнан бундай вазият турли инфекция касалликлари урчиши учун шароит яратади.

Бу ерда гап вабо ва ичбуруғ касалликлари ҳақида кетмоқда. Ифлосланган сувда вабо қўзғатувчилари ва вабо вибриони (вергул шаклидаги бактерия) узоқ яшаб, тез кўпаяди. Эпидемия тарқалишининг олдини олиш учун эса тезкорлик билан дезинфекциялаш чораларини кўриш лозим.

Аммо расмий маълумотларга қараганда, Гаити маъмурияти ўлкадаги эпидемик вазият ҳақида халқаро ташкилотларга бирор-бир ахборот тақдим этмаган. Шундай бўлса-да, Порт-о-Пренсдаги ҳолатни тасаввур қилиш қийин эмас.

Гаити соғлиқни сақлаш вазири Алекс Ларсеннинг огоҳлантиришича, биринчи галдаги вазифа кўчалардаги ва вайроналар остидаги жасадларни йиғиштириб олиш ва уларни тезроқ кўмиш. Ҳали кўплаб одамлар бузилган бинолар остида ётибди: уларнинг қанчаси тирик, қанчаси нобуд бўлганини билиш қийин.

Айни дамда дунёнинг кўплаб давлатлари, халқаро ташкилотлар мамлакат аҳлига ёрдам қўлини чўзмоқда. Қидирув-қутқарув ишлари бироз жадаллашиб қолди. Лекин Хитой, АҚШ, Филиппин, Мексика, Куба, Бразилия ва бошқа кўпгина давлатлар қутқарув ишларида фойдаланиш учун техника жўнатган

бўлишига қарамай, анча қашшоқ бу ўлкада қудратли техникалар етишмовчилиги муаммолигича қолмоқда.

Бутун дунёдан инсонпарварлик ёрдамлари келиб турибди. Аммо юклар ортилган самолётларни қабул қилишга эса Порт-о-Пренснинг ягона аэропорти кучсизлик қилмоқда, аниқроғи, коммуникация тармоқлари ишдан чиққани боис юкларни аэропортдан олиб чиқиб кетиш ва ҳеч вақосиз қолган фуқароларга тарқатиш ишлари қийин кечмоқда. Ҳукумат ишларни тезкор ташкиллаштиришга ожизлик қилмоқда. Ўтган пайшанбанинг ўзида инсонпарварлик юклари ортилган хорижий самолётларнинг 11 таси аэропортга қўнолмай, бошқа захирадаги аэродромга қўниш учун ортга қайтишга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам Гаити маъмурияти бу борада илғор усулларни тезкор қўллаш умидида аэропорт бошқарувини вақтинча АҚШ маъмурияти ихтиёрига топширди.

Қидирув-қутқарув, назорат ва бошқа ишларда иштирок этиш учун бугун-эрта 10 минг нафар америкалик ҳарбий Гаитига жўнайди. Бу ҳақда штаблар бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси, адмирал Майк Маллен баёнот берди.

Шунингдек, АҚШ ҳукумати Гаитининг нолегал муҳожирларига бир ярим йил муддатга бошпана бериши мумкинлигини билдирди. Миллий хавфсизлик вазирлиги раҳбари Жанет Наполитанонинг айтишича, АҚШда 76 мингга яқин гаитилик нолегал муҳожирлар бор (535 мингга яқин гаитилик муҳожир эса АҚШда қонуний яшайди). Бу нолегал муҳожирлар эндиликда АҚШда яшаш ва ишлаш имкониятига эга бўладилар. Америкаликлар эса гаитиликлар оқими янада кўпайишидан хавфсирамоқда. Чунки Гаитида ҳозир бошпанасиз қолганлар 750 мингдан 1 миллионгача кишини ташкил этади. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 3 миллионга яқин киши мазкур офатдан жабр кўрди. Улар ҳозир сувсиз, озиқ-овқатсиз ва бошқа кундалик эҳтиёж молларисиз қолган.

БМТ маълумотига кўра, жабрланганларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун камида 562 миллион доллар маблағ керак. Бу маблағнинг асосий қисми, яъни 246 миллион доллари озиқ-овқат таъминотига, 159 миллион доллари эса тоза ичимлик суви, санитария-гигиена воситалари учун сарфланади. Бироқ дунё ҳамжамияти ажратиши мумкин бўлган маблағ 268,5 миллион доллар холос. Чунки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози забтига олиб турган бир пайтда ёрдам қўлини чўзиш қийинлиги табиий.

Дарвоқе, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури инсонпарварлик ёрдамларини эҳтиёжмандларга тарқатишда кўпгина муаммоларга дуч келмоқда. Порт-о-Пренсда шу кунларда ўлган ва ярадор бўлганларни талаш авж олган. Шаҳар полицияси уларга қарши курашга ожизлик қилмоқда. Шунинг учун БМТнинг тинчлик кучлари шаҳарда тартибни сақлаш ва назорат қилиш ишларига жалб этилди. Яқин кунларда Порт-о-Пренсда комендантлик соати жорий этилиши эҳтимолдан холи эмас.

Бозор ва истеъмолчи

Маълумки, жорий йил бошидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327- сон қарорига мувофиқ алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилди. Яъни улар мазкур нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин эмас. Бундан кўзланган асосий мақсад —алкоголли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтиришдан иборат.

Алкоголли маҳсулотлар — энг кам нархлар

Алкоголли маҳсулотларга энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларнинг жорий этилиши, биринчидан, бозорнинг легаллаштирилиши ҳисобига давлат бюджетига тушумларни оширишга имкон беради. Зеро, ноқонуний алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар солиқлар тўланган маҳсулот ва яширинча ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи ўртасидаги фарқ ҳисобига «кун кўрмоқда». Кўриниб турибдики, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулот арзонга тушади, орадаги тавофут турли схемаларни қўллашга мажбур этади. Табиийки, алкоголнинг ҳақиқий қиймати (барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, солиқлар ва зарур фойда)дан паст бўлмаган даражадаги энг кам нархлар жорий этилганида алкоголь маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ўз иқтисодий моҳиятини йўқотади.

Иккинчидан, жорий этилган энг кам нархлар алкоголь ишлаб чиқарувчиларга бизнесни юритиш учун тенг шароитларга риоя этилишини таъминлашга имкон беради. Бу эса ўта долзарб масаладир. Гап шундаки, носоғлом рақобатнинг кескинлашуви боис айрим ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси зарур компонентлар ҳажмини (улардан бирини қўшмаслик ёхуд сифатсиз хомашёга алмаштириш) камайтириш ҳисобига бузилади, харажатларни иложи борича камайтириш юзасидан бошқача схемалар қўлланилади. Шу боис, улар қонуний иш кўраётган ишлаб чиқарувчиларга нисбатан пасайтирилган нарх туфайли харидорга чиқишда устунликка эга бўлади.

Жорий этилган нарх тизими туфайли рентабеллик ошади ва шунга яраша корхонанинг ўзида ҳам ривожланишга қоладиган маблағ кўпаяди. Боз устига савдо устамасини камайтириш имконияти пайдо бўлади. Учинчидан, алкоголли маҳсулотларга жорий этилган энг кам нархлар сифатсиз маҳсулотлар истеъмолини камайтиришга имкон беради.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг биринчи иловасига мувофиқ бу нархлар вино ва ликёр ароқ маҳсулотларига алоҳида, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари учун алоҳида белгиланган. Чунончи, ишлаб чиқарувчи корхонага энг кам улгуржи-сотиш нархи бир литр тайёр вино маҳсулоти учун 1800 сўмдан, коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли тайёр 1 литр маҳсулот учун 3800 сўмдан деб белгиланган. Бунда энг кам чакана нарх вино учун 2400 сўм, ликёр, ароқ маҳсулотлари учун 5000 сўмни ташкил этади. Уларнинг қандай сиғимга қадоқланганлигига қараб нарх ҳам келиб чиқади. Мисол учун, 0,25л, 0,5л ва 0,7л сиғимли идишдаги вино ишлаб чиқарувчилар томонидан 450, 900 ва 1260 сўмдан сотилиши лозим. Чакана савдода эса ушбу ҳажмлар тегишлича 600, 1200 ва 1680 сўмдан паст нархда бўлмайди. Коньяк, ароқ, ликёр ва бошқа алкоголь ичимликларни сотиш чоғида ҳам шундай дифференциация қўлланилади. Чунончи, ишлаб чиқарувчи томонидан 0,25л маҳсулот 950 сўмдан, 0,5 л эса 1900 сўмдан, 0,7 л эса 2660 сўмдан кам бўлмаган нархда сотилиши лозим. Ушбу ҳажмдаги маҳсулотлар чакана савдода тегишлича 1250, 2500, 3500 сўмни ташкил этади.

Улгуржи-сотиш ва чакана нархларни белгилашда ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар, амалдаги солиқлар ва маҳсулот бирлигига кетадиган мажбурий тўловлар, шунингдек, улгуржи ва чакана савдодаги устамалар инобатга олинган.

Шуни айтиш керакки, харидор алкоголь қийматининг пастлиги контрафакт ёки ноқонуний ишлаб чиқилган маҳсулот хариди эканлигини англаб олиши лозим. Шундай қилиб, энг кам нарх энг аввало харидор учун идиш ичидаги маҳсулотнинг бехатарлигини тасдиқловчи кўрсаткич ҳисобланди. Зеро, бундай маҳсулот давлат сифат андозаларига мувофиқлиги текширувдан ўтган бўлади. Назорат этувчи органларга эса бу ишлаб чиқарувчи томонидан барча солиқлар давлат бюджетига тўланганлигининг яна бир тасдиғидир. Демак, маҳсулот қонуний йўл билан ишлаб чиқарилгандир.

Илованинг иккинчи бандига мувофиқ алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар маҳсулотларни сотиш нархлари ва ҳажми ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилиб, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Айтиш керакки, алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотиш аниқланган ҳолларда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига нисбатан тегишли жарима санкциялари қўлланилади, айбдор шахслар эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ◆◆◆ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ◆◆◆

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

IBM дастурий аппарат комплексининг техник воситаларига хизмат кўрсатиш ҳамда дастурий таъминотини қўллаб-қувватлаб туриш хизматларини кўрсатиш учун тендер бўйича буюртманомаларни қабул қилиш муддати мазкур эълон чиққан кунининг эртасидан бошлаб 5 календарь кунига узайтирилганини маълум қилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш ушбу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан топширилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 21 календарь куни ўтгач, соат 17.00да тўхтатилади.

Буюртманома шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил:
100084, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101.
«Ўзмиллийбанк» Бош маъмурий биноси.
Телефон: 234-42-86, Интернет-сайт.www. nbu.com
Алоқада бўлувчи шахс: Блохина Ольга Леонидовна.

«ELEGANS TEKS» МЧЖ қўшма корхонаси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 12 январь, 5-сонида танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида чоп этилган эълондаги «Жиззах шаҳридаги собиқ «Шароф Рашидов текс» ип йигирув фабрикаси МЧЖ ўрнида «ELEGANS TEKS» МЧЖ қўшма корхонаси текстил мажмуасининг I навбати (тўқув, бўяш-пардозлаш ва тикув ишлаб чиқариш мажмуаси) қурилиши» объектининг бошланғич қурилиш қиймати ҚҚСсиз 5 181, 655 млн. сўм, ҚҚС билан 6 217,986 млн. сўм, бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 150 000 сўмга ўзгарганлигини маълум қилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги

Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

қуйидаги иншоотларни тўлиқича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот №	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
	Лот 1-4:		
Лот-1	Булунғур туманидаги «Бедона 2» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	78 161 586 сўм	5 ой
Лот-2	Пайариқ туманидаги «Вали» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	118 508 125 сўм	9 ой
Лот-3	Самарқанд туманидаги «Тошкичик» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	90 118 006 сўм	10 ой
Лот-4	Пастдарғом туманидаги «Ўтарчи» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	293 437 817 сўм	11 ой
	Лот 1-4		
Лот-1	Иштихон туманидаги «Бурхон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	151 896 359 сўм	8 ой
Лот-2	Каттақўрғон туманидаги «Янги-усул» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	349 196 819 сўм	11 ой
Лот-3	Нарпай туманидаги «Бештозар» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	138 886 752 сўм	8 ой
Лот-4	Пахтачи туманидаги «Харсан» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	160 797 815 сўм	10 ой

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Зарафшон Ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8366) 234-04-34.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга, ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 15.00 да ўтказилади.

Мулоҳаза

Тўрдаги тўралар

ёхуд пойгакдаги фазилат хусусида

...«Тентак тўрини бермас» мақоли қатида аччиқ кулги бор. Ва халқимизнинг қадимдан шаклланган инсоний фазилатлари ҳам яширин. Бир жумладаёқ кимнинг ўрни қайдалигини биласиз-оласиз...

Ҳамкасбимиз биродарининг йил ошига бордик. Қишлоқ аҳли ҳурмат кўрсатиб бизларни каттагина меҳмонхонанинг тўрига ўтказишди. Даврада ёши улуғ кишилар ҳам бор эди. Улардан тўрга ўтганимиздан изза тортдик. Буни сезиб давра кадхудоси ўринли гап қилди: «Меҳмон отангдай улуғ дейдилар. Ҳеч тортинманг, бу ёшуллилар шу ерлик».

Даврага ош тортилди. Энди ошга қўл узатганимизда хонага ёши улуғроқ икки киши кирди. Даврабоши уларни пойгакка жойлаштирди-ю олдиларига ош қўйди. Шу пайт ҳамкасбим — шу ерлик йигит шарт ўрнидан турди-ю, пойгакдаги бўш ўринга бориб ўтириб, овқатлана бошлади. Ҳамтовоғимнинг бу хатти-ҳаракатидан ҳамма ҳайрон, аммо овқат устида гап ортиқча, ўзим товоққа узалдим.

Ниҳоят ош еб бўлинди. Мулла дуо қилди. Кейин бояги ҳамроҳимизга қарата: «Раҳмат Шавкатбой! Барака топинг! Отангизни ғоят ҳурмат қилар экансиз», — деди. Билдикки, ош тортилган пайтда хонага кирган кексалардан бириси ҳамроҳимнинг отаси экан.

Мулланинг раҳматига зиёлиномароқ киши эътироз билдирди: «Мулла ака, ошни улуғ дейдилар. Ош устида туриб кетиб бўлмайди деб эшитамиз, Шавкатбой эса...».

Мулла эътирозни эътироф этди-ю, аммо барибир ўз фикрини даврага сингдирди: «Тўғри таом — улуғ!, Аммо, ота отада! Ош ҳар куни топилади, биродарлар. Ота эса ғанимат!»

Бу воқеа замирида қадим боболаримиздан мерос — отангни ҳурмат қил, даврада ундан юқорига чиқма, мақолининг исботи ётибди. Нафақат ота, амаки, тоғангни ҳам шундай ҳурмат қилиш кераклиги ёшлигимиздан онгимизга сингдирилган.

Эътибор қилинса, айнан оиласида шундай тарбия топган инсон бирор тўй даврасига борса, албатта тўйбоши қанчалик қистамасин аввалида тўрда-ю пойгакда кимлар ўтирибди, шунга назар солади ва ўз ўрнини топиб ўтиради. Тарбия кўрган банда ўзидан ёши катта одамдан тўрга ўтмайди. Етти ёт бегона бўлсин. Чунки, ортидан албатта гап-сўз бўлишини билади: «Фалончи сал ўзидан кетибдими? Даврада тоғасини кўзи кўрмай, юқорига чиқиб кетди-я?!»

Тўй ёки бошқа тадбирга бордингиз. Сизни давра тўрига таклиф этишди ёки...

Бир ҳамкасбимиз ўғлини уйлантирди. Шинамгина тўйхонада ҳар ким тенги, жамоаси билан ўрин эгаллаган. Ёшларга тилаклар билдириб қайтдик. Ўша тўйга айтувчи эдим. Шу боисдан тўйда кўринмаган бир ҳамкасбимизни икки кундан сўнг учратиб, тўйга бормагани сабабини сўрадим-у жавобидан таажжубда қолдим. «Бордим. Сал кечикиб бордим. Сизлар ўтирган столда жой қолмаган экан, мени бошқа — пойгакдаги столга ўтқазишди. Менинг ўрним шу ердами, деб қайтиб кетдим».

Буниси энди иззатталаблик! Даврада жой танлаш — гурас-гурас келаётган меҳмонларга жой тополмай хижолат бўлган мезбоннинг юзига оёқ қўйиш.

Тўй-тадбирларимиз аксари замонавий тўйхоналарда ўтмоқда. Энди тўйхона дегани ҳарқалай меҳмонхона эмас. Меҳмонхонанинг албатта тўри-ю пойгаги бўлади. Тўйхонада-чи?

Айримлар назарида тўйхоналар ҳам аллақачон тўри-ю пойгакига бўлинган. Келинкуёвларга яқин қўйилган столлар тўр-у бу ёқдагиси пойгак. Иззатлироқ, мансаблироқ меҳмон тўрга ўтказилади. Бундайроқлар пойгакка. Дуч келган ўринга.

Тўйхоналаримизнинг тўри қайда-ю, пойгаги қайда?

Бу энди нисбий. Одатда тўйхоналардаги столларга келаётганлар навбати билан ўтказилади. Қариялар, ёши улуғ кишилар учун албатта алоҳида стол-супа ажратилади. Қолган ҳаммаси насиб қилганники. Энди бу ерда тўр талашишда мантиқ борми?

Кекса бир ўқитувчимиз вафот этди. Фотиҳасига бордик. Меҳмонхона тўла одам. Домламиз ҳурмати учун таъзияга келаётганлар кети узилмайди. Аммо, ўша фотиҳадан ёдда қолгани — домламизнинг ўрта яшар ўғли давра тўрида чордона қуриб ўтириб, одамларга гап бермагани. Бу воқеани эл кишилари орадан кўп йиллар ўтса-да ҳамон эслашади. Бутун қишлоқ аҳлига тарбия берган, ҳарф танитган, панду насиҳат қилган устоз муаллимнинг ўз фарзандини тўғри йўлга сололмагани...

Бир латифа бор. Афанди тўйга борибди. Меҳмонхонага кириб давра тўридан жой олибди. Кейин улуғлару, казо-казолар кетма-кет даврага қўшилаверибди. Афанди келган меҳмонларга ўрин бўшатавериб бир қараса пойгакка тушиб қолибди. Бу ҳолдан жаҳли чиқиб турган пайтда эшикдан бир ит мўралабди. Афанди шартта итнинг бўйинбоғидан судраб: «Кир, сенинг ўрнинг ҳам тўрда!» деган экан.

Бу латифа қатида ҳам аччиқ ҳазил ётибди. Ёш бўлса-да ўзини, катта олган тўралар устидан кулиш ётибди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгилик

Сурхондарё — иссиқ иқлимли воҳа. Ҳароратнинг юқорилиги эса вилоятда шакарқамиш, апельсин, лимон, мандарин каби субтропик ўсимликлар етиштиришга имкон беради. Баҳор даракчиси бодом ҳам даставвал жанубда гуллайди. Ўтган йили январь ойининг бошларида Жарқўрғонда ўрик чаман бўлиб очилганди, бу йил эса шу ҳудудда бодом гуллади. Унинг оппоқ гуллари тинчлигимиз, дастурхонлар тўкин-сочинлиги рамзидир. Осмон янглиғ мусаффоликдан далолат. Алланечук ва такрорланмас ифори баҳор соғинчидан нишона.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Сурхондарёда бодом гуллади

— Янги йил биз учун қувончли келди, — дейди **Жарқўрғон туманининг "Лайканд" маҳалласида истиқомат қилувчи Дилдора Халилова**. – Ҳовлимиздаги бодом чиройли бўлиб гуллади. Сингилларим билан суратга тушдик.

— Бодомнинг асл Ватани Ўрта ва Ғарбий Осиё мамлакатларидир, — дейди **биолог олим Қайнар Файзиев.** — Табиатда унинг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Ёввойи ҳолда ўсадиганлари асосан Ўзбекистон, Тожикистон, Кавказ, Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистоннинг тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган. Унинг мевасидан тўрт минг йилдан буён фойдаланиб келинмоқда. Бу ўсимлик тошлоқ жойларда ҳам мева беради. Қурғоқчилик ва совуққа чидамли. Илдизи 6-8 метрга боради. У асосан февраль, март ойларида гуллайди. Тоғларда эса апрелда куртак очади. Ҳаво ҳароратининг муттасил 10 даража илиқ келиши натижасида эса бундан ҳам эрта гулга кириши мумкин.



Бодом мағзидан қандолатчиликда кенг фойдаланилади. Унинг мойи сифатли ва саломатликка нафи катта. Камқонликни даволашда, асаб тизимини мустаҳкамлашда дори вазифасини ўтайди. Шираси эса ўпка, сил, ошқозон-ичак хасталикларига даводир. Камёб ўсимликнинг меваси таркибида 1-15 фоиз сув, 41-66 фоиз ёғ, 16-24 фоиз оқсил, 5-6 фоиз қанд моддалари мавжуд.

Йил бошида Сурхондарёда гуллаган бодом халқимизга яхшилик, ризқ-рўз олиб келсин.

Ғофур Магометов олган суратлар.

МДҲ кубоги:

СПОРТ ↘ СПОРТ

Москвада Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий халқаро турнир ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз чемпиони — Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари баҳсларни кўтаринки руҳда бошлашди.

«Бунёдкор» — чорак ФИНАЛДА!

Гарчи, турнирда иккинчи таркиби билан қатнашаётган бўлса-да, бунёдкорчилар дастлабки турда Молдова вакили «Дачия» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ғалаба тўпини ҳамюртларимиздан Баҳодир Насимов киритди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Литванинг «Экранас» жамоаси «Пюник» (Арманистон) футболчилари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0.

Баҳсларда Ҳикмат Эргашев бош мураббийлигида иштирок этаётган «Бунёдкор» жамоаси иккинчи турда ҳам муваффақиятли одимларини давом эттирди. Арманистон чемпиони — «Пюник» вакилларига қарши ўтган бу ўйинда 3:2 ҳисоби қайд этилди. Тўпларни бунёдкорчилардан Баҳодир Насимов (иккита) ҳамда Шавкат Раимқулов киритишди. «Дачия» — «Экранас» жамоалари учрашувида эса ҳисоб очилмади — 0:0.

Қаторасига қўлга киритилган икки ғалаба «Бунёдкор» футболчиларига муддатидан илгари чорак финал йўлланмасини тақдим этди. Бугун гуруҳдаги охирги ўйинда тошкентликлар «Экранас» жамоаси билан ўзаро баҳс юритадилар. Иккинчи ўйинда эса «Пюник» — «Дачия» футболчилари майдонга чиқишади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ер юзида 33,2 миллиондан ортиқ одам ўзига ОИТС касаллиги инфекциясини юқтирган. Бу ҳали ҳаммаси эмас, биргина 2009 йилнинг ўзида дунё аҳолиси орасида 2,5 миллиондан ортиғи ушбу оғир касалликка чалинган.

«Бедаво дард»дан сақланиш мумкинми? Бу офатдан ўзимиз, оила аъзоларимиз, яқинларимизни муҳофаза қилиш учун нималарга эътиборни қаратишимиз керак? Мухбиримиз шу каби саволларга жавоб олиш учун Республика ОИТС касаллигига қарши кураш марказининг эпидемиология мониторинги бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Носир ЖЎРАЕВга мурожаат қилди.

— XXI аср вабоси —

Улар ҳам яшашни хоҳлайди, аммо...

— Орттирилган иммунтанқислиги вируси инфекцияси билан касалланиш ҳолати биринчи марта 1987 йилда рўйхатга олинган. Бугун эса ер юзида хасталик қайд этилмаган мамлакат қолмади. Бу касалликнинг кўпайиши ёки камайиши ўша мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи, ҳаёт даражасига боғлиқ. Африка қитъаси мамлакатлари касалликнинг ўчоғи саналади. Чунки иқтисодий ночор кун кўриш, озиқ-овқат, тоза ичимлик суви етишмаслиги, шунингдек, носоғлом турмуш кечириш сабабли одамлар касалликка кўп чалинади.

Савол туғилиши мумкин, нега унда бугун дунёнинг энг бой, ривожланган давлатларида ҳам ОИТСга чалинганлар бор? Сабаби, бу давлатлар аҳолиси, айниқса, ёшлари орасида ахлоқий бузуқлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка ружу қўйиш ҳолатлари кучайиб бормоқда.

Республикамизда орттирилган иммунитет танқислиги касаллигига қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилябти. Бунинг мазмун-моҳияти орттирилган иммунтанқислиги вируси инфекциясига қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, касалликнинг олдини олиш, аҳолини хасталикдан муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишдан иборат.

Маълумки, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказлари тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, минг афсуски, аҳолимиз орасида ҳам касалликка чалинганлар бор. Уларни даволаш, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ОИТСга қарши кураш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Инсониятни бедаво дард деб айтилаётган касалликдан ҳимоялаш учун, аввало, ўсмир ёшидаги ўғил-қизларимиз тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз керак. Врач сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, ўсмирларнинг сигарет чекишга ўрганиши, гиёҳванд моддани қабул қилиш сари ташланган дастлабки қадам ҳисобланади.

Ўсмир ёшлар шуни унутмаслиги керакки, гиёҳванд моддани 2-3 марта қабул қилдими, орқага қайтиш қийин бўлади. Энди унинг олдида ҳаёт ва ўлим оралиғидаги мудҳиш, хатарли йўл қолади, холос?.. Бу йўл ўсмирни ОИТСга етаклайди.

Одатда гиёҳванд моддаларни 4-5 киши битта шприцдан фойдаланиб, томирга юборишади. Оқибатда ҳаммаси шу дардга чалинади. Иш тажрибамда кўп кузатганман, бир куни тасодифан отаона ўғил-қизининг наркоманлигини, тўй куни белгиланиб, тиббий текширувдан ўтаётиб, СПИДга чалинганини билиб қолишади.

Бу дардни юқтирган одамда ҳаётга қизиқиш йўқолади, лоқайд, одамови, яқинларидан қочади, кўздан нарида юришга уринади, дангаса, серзарда бўлиб қолади.

Жаҳон бўйича 2008 йилнинг ўзида бу мудҳиш касалликни юқтирган 2,4 миллион одам бевақт оламдан ўтди. Ер юзида ҳар дақиқада 16 нафар, бир кунда эса 15-18 минг одам ўзига давосиз дардни юқтириб оляпти...

Аччиқ бўлса-да, ҳаётий ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Ўн йилларча бўлди, яхши хонадонда тарбия топган, ақлли-ҳушли 24 ёшдаги йигит тасодифан шу дардни ўзига юқтириб олиб мурожаат қилди. Биз унга керакли маслаҳатни бердик, муолажаларни қилдик. «Дўхтир, мен ўлишни истамайман, нима қилсам тирик қоламан...», деди. Тавсияларни бердим, иродаси кучли экан, 10 йил бедаво дард билан курашди. У тузалишга умид қиларди, яшашни истарди. Минг афсуски, бултур у қаттиқ грипп чалиниб оламдан ўтди. Айтмоқчиманки, беморлар одатда сил, грипп, шамоллаш, қандли диабетга ўхшаш касалликларга тез чалинишади. Уларга иммунтанқислиги панд беради.

Мана бу воқеани ҳеч унута олмайман. Уч-тўрт йил илгари вилоятда яшовчи ёшгина жувон келди. Лаборатория текширувлари унда касаллик вирусини аниқлади. Гарчи ҳали даволаниб, умрини узайтириш мумкин бўлса-да, у оиласи, эри, икки нафар фарзандини ўйлаб виждон азобида қийнала бошлади. «Дўхтир, илтимос, мени... (ўлганимдан сўнг дейишга тили бормади, шекилли) кейин бошқа касалдан..., деб оиламга бир энлик қоғоз ёзиб беринг..., деб илтижо қилди. Кейин: «Дўхтир, бирам яшагим келади... Қанийди, икки оёғим, икки қўлим шол бўлсаям, тўшакда михланиб умрбод кўм-кўк осмонни кўриб яшасам майли эди», деди. Қилган муолажаларимизга қарамай бемор аёл қаттиқ руҳий изтироб туфайли бир йилга қолмай ҳаётдан кўз юмди...

Шифокор сифатида, ўз мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Биз азалдан покдомон турмуш тарзига эга халқмиз. Афсуски, баъзан ўз соғлиғимизни ўйламаймиз, бепарво муносабатда бўламиз. Бу дарднинг менга алоқаси йўқ, деб ўйлаймиз. Ҳатто таниш-билишлар фарзандларини никоҳдан олдинги тиббий текширувдан ўтказишда «тўғрилаб беринг», «соғлом деб ёзинг-қўйинг»... қабилида ёрдам сўраб мурожаат қилишади.

Кези келганда шуни таъкидламоқчимиз, бу дарддан холи, осойишта ҳаёт кечириш учун соғлом инсон ҳар олти ойда мутахассис врач қабулида бўлиб, лаборатория текширувидан ўтиб туриши мақсадга мувофиқдир.

Саида САЙХУН ёзиб олди.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «FUTBOL MEDIA» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206843064)
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар икки ой ичида 227-19-59 телефони орқали қабул қилинади.

Сурхондарё вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари
Фарҳод ХУДАЙБЕРГЕНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
14810 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.25
Topshirilgan vaqti — 01.40
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda